Конунда ана туризмни барқарор ривожлантириш учун кўдай шарт-шароитлар яратиш масалалари бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, туризм соҳаси субъектларининг ҳамкорлигини тақомиллаштириш мақсадида ваколати давлат органи, манбаатдор давлат органлари вакилларидан иборат Туризми ривожлантириш бўйича мувоффик шартнамоларни тақомиллаштиришни кенгашлаштиришни кўйилган.

Бундай ташкири, конунда соҳадаги туроператорлар таурагентлар, турист ва экскурсантлар, гидлар (ид-таржимолар), экскурсия етакчилиари ва йўриқиёт ўлбошловчиларинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиғи мумкинлиги кўйилган.

Шу билан бирга, Туризм соҳасининг ривожланшишини молиявий жиҳатдан кўшимча таъминлаш мақсадида Туризми

ривожлантириш давлат кўмитаси хузурида бюджетдан ташқари Туризм соҳасини кўйлаб-куватлаш жамгармаси ташкил этилиши мумкинлиги ҳам тилга олинган.

Конунда ҳаффоз туризмни таъминлаш ҳамда Ўзбекистоннинг Миллий туристик брендини яратишни ҳам алоҳида ургу берилган. Ушбу брендандан товарларни (ишлар ва хизматларни) тарғиб этишида фойдалантиришни мумкинлиги кўйилган.

Бундай ташкири, конунда соҳадаги туроператорлар таурагентлар, турист ва экскурсантлар, гидлар (ид-таржимолар), экскурсия етакчилиари ва йўриқиёт ўлбошловчиларинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиғи мумкинлиги кўйилган.

ва қонуний асосда фаолият юритишига замони яратади.

Хуласа шуки, “Туризм тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳтида қабул қилиниши, юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва уни жойларда тарғиб этишига кенг имконият яратиб берди. Халқаро майдондаги Ўзбекистоннинг тиҷнилике-вар ва меҳмондўст мамлакат сифатидаги обрў-эътибори ошиши ва қонунчиликнинг юқоридагига ўтсанда ҳужжатлар асосида тақомиллаштирилиши мамлакатимизда туризмни давлат иқтисадётининг муҳим тармокларидан бирига айланшига туртиришни мумкинлиги кўйилган.

Тошкент шаҳар туризми ривожлантириш департаменти



» Гала концерт  
Навоий  
шахрида  
“Менинг  
оролим”



» Хаёт ҳақиқати акс этган фильм

# Авлоний билан бирга яшадик

Тоҳир Маликнинг "Калдиргоч" кисаси асосида суратга олинган "Авлоний" фильмни Ўзбек киносида туб бурилши бўлди. Музаффар Эркинов режиссерлик қўйган бу фильмда Авлонийнинг 1919 йили Афғонистонга элчи қилиб юборилиши, унинг сиёсатчи сифатидаги қарашлари, шахсиётини очиб берилган.



Авлоний мактаб очган, болаларни ўқитган, дарслеклар, газета-журналлар чиқарган, элчилик қўлган, шеърлар битган, миллий театрнинг танглийини кўтартган, драмалар ёзган ва саҳналаштирган... Бир инсон учун буларнинг барни оғир эмасми? Ҳуллас, фильмда мана шу оғирликини ёзиш мумкин.

Режиссер Музаффар Эркинов фильмни яратилиши ҳақида шундай фикрларни айтиш ўтди: "Постсовет ҳалқларida ўз тархи ва миллий қадриматларида пастроқ назарда қарса шакланган. Мустабид тузуви даврида ўтмиш факат қора бўёкларда кўрсатилган, асарлар ёзилган, кинолар ишланган, ташеъсует қилинган. Анишарлиси, бу сиёсат соганин заҳар ҳамон одамлар қонидо айланни, улар онгизда яшапти. "Авлоний" фильмини суратга олиши жараёнларидаги ҳам советча қарашларидаги келдик. Масалан, нукул эски либослар тиқиширилб, яңгиларини ҳам кимдир чанг қилиб, гижимлаб берарди. Тарихда боболаримиз кирчирип, шириқ-ямоқ кийимда юрган эмиши. Шубъ фильм режиссёри сифатидаги мен фикримда қатъий турдим ва фильм учун беш юзга яқин либос тикилишига эршидик. Ҳар бир кадрда ҳалқимиз улугворигуни кўрсатишга, миллий маданиятизмизни куз-кўз қилишига уриндик".

Бу йил Абдулла Авлонийнинг 140 йиллик юбилейли. Мазкур фильм эса чин маънода тўйга тўёна бўлди. Авлоний сиймосини гавдалантирган хоразмлик актёр, "Дўстлик" ордени соҳиби Алишер Йўлдовшев ҳам ўз ролини маромига етказиб

ўйнаган. Бу қаҳрамон кечинмаларини яқиндан хис этиб, фильм давомида Авлоний бўлшиб яшшимизга турткӣ бўлди. Асадар қизиқарли воеалар кўп. Актёрларнинг грими, кийимлари, эски давр вокзали, картина декорациясига – барчаси устида жуда кўп ишланган.

"Кайди борсан голиби мағлубни айлар поимол,

Марҳабо, эй ҳуррият, сандан муруват кўрмадим" – дэя ҳайқирган Авлоний кўнгил кўчирмаларидан ўша давр сиёсатини чиркин хийаларига алданган оқкўнгил инсон гавдаланганини түйиш мумкин.

Абдулла Авлоний 1917 йилдаги октябрь инқилобини ўзгача умид ва хайриҳолик билан қарши олган. Янги тузумга ишонган, мактоблар билган, бу ҳаяжонлар шеъру мақолаларга айланган. Коммунистларни "мазлумларни кўллаб-кувватловчи", "ҳалқни маърифатга бошловчи" деб билган. Ҳокимиятнинг азалий куроли – вайдаларга алданган. Афуски, ҳалқ ҳаётини умид кўлгандек ўзгарамаган. Адабининг мана шу дигориклари фильмга ҳам кўчирilган.

Совет ҳукумати Авлонийга кўшиб бир неча асрдан Афғонистонга жўнатади. Қўшни давлатлаб Амир Омонуллохон дастлаб амир, сўнг қирол бўлиб давлатни башкарсан, муҳим сиёсий-иқтиёсий ислоҳотларни амал-

га оширганди. Аммо гегемон давлатларнинг ҳуда-бехуда арализувши, миллий ва диний низолар мамлакат бошқарув тизимини издан чиқаради, газна талон-тарож қилинади, солиқлар йилмайил ошиб, дехқонлар кўзғолон кўтаратди. Охир-оқибат Омонуллохон таҳтдан воз кечишига мажбур бўлади. Алами томони, орадан бир аср ўтса ҳамки, афғон диёри ҳали ўнгланнади. Фильмда мазкур фидеянинг асл сабаблари, илдизлари очиб берилган.

Кобулла Абдулла Авлоний билан бирга маслаҳатчи Борис Николаевич, ўринбосар Ушинский, Москва вакили Бравин Захарович ва унинг соҳибжамол котибаси Валентина Николаевна ҳам боради. Барчаси сафар аносидаги очилади: кимнинг кимлиги-ю, душманинг фитналари... Ҳуллас, томошабин фильм охирiga сиrlar ортидан эргашади. Натижада Авлоний босқинчилар ҳеч қачон дўст бўлмаслигини англаб етади, янги тузумдан жирканади, унга хизмат қилишдан орлашади. Унинг элчилик ваколати туғатилга, сиёсий фолиоятдан буткувоз кечиб, умрининг охирига ча мактабда болаларга дарс беради.

– Фильм воеалари 5 соатдан зиёд давом этади. Шундай

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Башассамблейси 72-сесиясида Орол фокуси оқибатларини бартаграф этиш тўғрисида таъсири нутк сўзлаганди. Мазкур масала асоратларини кенг оммага етказиш ҳамда бунинг олдинги олиши мақсадиди 30 ноябрь куни "Менинг Оролим" шиори остида Навоий вилоят Маданият башкармаси Ўзбекистон давлат филармониясининг вилоят бўлинмаси билан ҳамкорликда "Ёшлиар

маркази"да концерт дастури ташкиллаштириди. Тадбирни вилоят хокими ўринбосари Фахриддин Солиев очиб, иштирокчиларга Орол ҳақида кискача маълумот берди.

Кечада Конимех туман маданият бўлими хонандалари ва рақс гуруҳи томонидан тайёрланган "Менинг Оролим" деб номланган гала концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Ушбу мавзу доирасидаги тарғибот тадбирлари вилоят бўйлаб давом этмоқда.

» Маданий алоқалар давом этади

## «Шимкент – чиройли шаҳрим»

Ўзбекистонда Қозогистон йили муносабати билан 25 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида «Шимкент чиройли шаҳрим» номли концерт дастури бўлиб ўтди.

Тадбир олдидан театр фойесида қозоқ ҳалқининг антана ва удумларини, мъданнитини ифодалига хунармандишик буюмлари, ўй-рўзгор асаблари ҳамда миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.



Концерт дастури Миллий академик драма театри актёrlари иштироқида Ўта Осиёнинг буюқ алломалари сиймолари орқали иккى ҳалқни қардошлириштарилини мустаҳкамлашга давлат этувчи саҳналаштирилган мусиқий композиция намойишидан бошланди.

Сўнг қўшни чегарадош Шимкент шаҳридан ташриф буюрган Қозогистонда хизмат кўрсатган артистлар Акжол Мерабеков, Шахизада, Жубаниши Жексенули, Заттибек ва бошқа санъаткорлар, шунингдек, «Сүгир» қозоқ ҳалқи чоргу асаблари оркестри ҳамда «Қазына» рақс жамоасининг чиқишилари олишилар билан кутиб олинди.



Концерт дастури меҳмони сифатидаги Ўзбекистон Xalq artisti Farrokh Zokirov ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирилиги, Қозогистон Республикаси Маданият ва спорт Вазирилиги, Ўзбекистон давлат филармонияси ва Қозогистон Республикаси Туркистон вилоятини маданият башкармаси тамонидан ташкил этилган ушбу дўстона учрашув томошабинларда катта таассусот қолдиди.

Мадина ЛАТИПХОНОВА

## » Тахририят нуқтаи назари

Бирор ҳануз ҳақиқий ўзбек қаҳрамонларини излаётган, чакмок мисол қалбларга ёриб киривчи, инсонни рухлантиручи асл фильмларга ташна ҳалқимиз бу асардан қониқармикин?! Чунки фильмда воеалар ривоҷи ва яратилган тутуннинг ечилиши oddийроқдек, назаримизда. Бон қаҳрамон – Авлонийнинг фильмдаги воеаларга таъсири ҳам кам. Тўғри, томошабин ўша давр нафасини яққол сезди, лекин қаҳрамонни "юрагига жойлолмади". Аммо иккى соатлик воеалардан олинган хулоса. Фильмнинг 5 соатдан зиёдроқ давом этишини инобатга олиб, хулоса қилишга шошилмайлик. Ўзи бу меҳнат меваси ўзбек киноси учун яхши янгиллик, шундай экан, бошланни ёмон эмас. Юкоридаги камчиликлар эса аста-секин бартараф этилишига ишонамиз. Энг муҳими, жадидлар ҳаётини ёритувчи асарларга ҳам кўл урнгани.




»Дилдан сухбат

**Санъят –  
менинг  
ҳаётим**



» Маданий тадбирлар – тарбия воситаси

## Маданий тадбирлар – тарбия воситаси



Маданий тадбирлар инсонларга завқ багишлаш билан бир қаторда миллий гурур, миллий ифтихор манбаи ҳамдир. Улар ёшларни маънавий камол топтириш, маданий савиёсигин ошириш, дунёкашни кенгайтириш, бўш вақтни самарали ўтказишига қартилган ижодий жараёндир.

Ёшларни миллий ва умумисоний қадрияларга нисбатан хурмат руҳида ҳамда аҳлоқ қоидлари асосида тарбиялаш, ёш авлодда ҳаётга қатъий ишонч ва қарашни, менталитетимизга ёд бўлган зарарли таъсиirlарга қарши тера оладиган қобилиятини шакллантириш устивор заифа ҳисобланади.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда музейлар ўрни бекеёс. Маданият муассасаларидан бири бўлган музей фаолияти асосида тарбия, инсонларга яхшилик, эзгулик улашиш, давр мағурсасига хизмат қилиш, Ватанин севиш, ардоқлаш каби буюк ниятларга иштириш ётади. Музейларда олиб борилаётган тадбирларни, энг аввало, ёш авлод учун ташкил этиладиган, улар салоҳиятини, билимини, ижодий ва эстетик қарашларини шакллантирадиган, маданий билимини бойитадиган жарабён деб туришади.



шуниш мумкин. Музейлар маълум бир ҳалқнинг тарихи, давлатчилиги, табииати, аждодлар дахоси тўғрисида маълумотлар беради ҳамда миллий маданиятини тарғиб қиливчи мухим маскан ҳисобланади. Уларда ташкил килинган кўргазмалар, олиб борилаётган тадбирлар, иммий анжуманлар, дарслар, ёшлар қалбида ўз аждодлари меросига нисбатан ифтихор тўйғуларини шакллантириб, муносисига ворислар сифатида улғайиш масъулиятини оширади. Бу ўзининг жуда катта самарасини бермоқда. Музей ҳам ўзига хос мактаб, ўзига хос китоб – уни ўқиган боладан њеч қачон ёмонлик чиқмайди. Хусусан, бизнинг Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида олиб борилаётган ана шундай ишлардан мақсад ҳам келажа авлодда миллий ифтихор тўйғуларини ўйотиши, Ватан ҳақидаги тушунчаларини бойитишдан иборатдир. Ҳозирги кунда музей ходимлари томонидан болаларнинг ёзги дам олиш масканларида ҳам кўплаб кўргазмали тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ш.Юнусова,  
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат  
музейи иммий ходими

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Республика болалар кутубхонаси Ҳалқ таълимни вазирлиги билан ҳамкорликда ўзбек миллий санъатини ёш авлод онигина сингдириш, буни кенг тарғиб этиш ниятида таникли санъ-

аткорлар билан ижодий учрашув ва давра сұхбатлари ўтказиб келмоқда. Бу эса ёшлиаримизнинг санъатга бўлган қизиқишини ўйотишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

29 ноябрь куни Республика болалар кутубхонасида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актрисаси,

Ўзбекистон ҳалқ артисти Одина Нарзуллаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда, шунингдек, Юнусобод туманинг 271 ва 63-умумий ўрта таълим мактаблари ўкувчилари томонидан рақс ва куй-кўшиклар тақдим этилди. Учрашув кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлиб, кўтаринки кайфиятда ўтди.

» Тарих тилга кирганда

## “Курашхона” кўзғолони (1916 йил)

Тарихий манбалардан маълумки, 1914 – 1916 йилларда содир бўлган биринчи жаҳон уруши энг машъум ва қирғинбарот жанглари билан мозийга муҳрланган. Ўшанда урушда иштирок этаётган Россия империяси тобора ҳолдан тоймоқда эди. Ўн минглаб аскарлар жаҳонда курбон булиди. Таҳлиқада қолган Россия олий бош кўмандонлиги штаби мамлакат ҳарбий вазирлигидан зудлик билан “Армия эҳтимёллари учун салмоқли куч ажратиш”ни талаб қилди. Ҳарбий вазирлик бу кучни мустамлака худудлардан тўплашга умидвор эди. Натижада Россия раҳбари Николай II 1916 йил 25 июнда Туркестон, Сибир ва Кавказдаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронтида турли ишларни бажаришга сафарбар этиш тўғрисидаги фармонни чиқарди. Унга кўра Фарғона вилоятига 50 минг кишини мардкорлик ишларига сафарбар этиш мажбурятни юкланди.

Туркistonдаги туб аҳоли, жумладан, Наманган ҳалқининг сафарбарлик каъшилик кўрсатиши, норозилик наимишлари охир-оқибат очиқ кўзғолонга айланаб кетди. Улардан бири 1916 йил 16 июнда Наманганда бўлиб ўтди. Шу куни эрталаб соат еттиларда шаҳарнинг Лаббий тога даҳасидаги Курашхона майдонидаги 4 мингга яқин одам тўпланиб, улар оқсоқоллардан чакирив рўйхатини ўртиб ташлашни талаб қилиши. Шу пайтда худуднинг эски шаҳар қисмига уезд бошилги ўринбосари Румянцев раҳбарлигидаги полиция қисми этиб келди. Улар норози ҳалқни тинчлантиришга уринди. Лекин њеч ким қулоқ солмади. Шундан сўнг бу ерга пулемёт билан куролланган рота чакирилди. Тўплланган ҳалқ аскарлардан чўчиш ўрнига “Урушда ўлгандан кўра, уйда ўлган афзал”, “Мардкорликка одам бермаймиз” – деган чақириклар билан жавоб беришиди. Газаб ва нафратда тўла оломон аскарларнинг пулемёт ва митлиқларига, шинелларига ёпишиди. Натижада кўзғолончиларга

карши ўтишга буйруқ берилди. Минглаб одамлар ҳалқ бўлди, яраланди. Маълумотларга кўра, ярадорлар орасида уч ёчёл ва бир нафар ёш бола бўлган.

Уч ярим соат давом этган бу кўзғолон Наманган ҳалқи ҳаётida ўчмас из колдирган. Архивда сақланғатган кўзғолонга доир ҳарбий суд материалларига кўра, уни ташкил этишда жонбозлик кўрсатсан сартошар Гофур Ҳўжа, дурдаг Абдурахмон Розикбоеv, Йўлдошхўжа Усмонхўжаев, сувокчи уста Йўлдош Мирзаев, этикдўз ақа-укалар Мулла Усмон Кори ва Равшан Кори Ҳалфаевлар, кора ишчи Юнус Ёкуббоев, тўкувчи Дадабой Орифобоев ҳамда бошқалар мардларча ҳалок бўлишган.

Намангандаги июль воқеалари таъсирида Капа волостининг Шўркўргон, Уччи волостининг єркўргон, Қизил Ровот ва Машад, Наманган волостининг Ўгур, Тошкўргон, Тепакўргон, Пешкўргон, Тергачи волостининг Чиндовуда қишлоқларида ҳам ана шундай кўзғолонлар бўлиб турган.

Бундай намайишлар ўлқада Чор Россия мустамлакачилиги тузумининг таги бўшаши қолтани, устунлари қимирлай бошлаганидан далолат беради.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида, Тошкентдаги Ўзбекистон ҳалқлари тарихи ҳамда бошқа музейлар архивида Наманганда бўлиб ўтган 1916 йилда воқеалар ҳақидаги материјаллар, кўзғолон иштирокчиларининг фотосуратлари, номлари сақланмоқда. Улар мазкур кўзғолон ҳақида тўлиқроқ ҳикоя килиш имконини беради. Чунончи, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида кўзғолон иштирокчиларидан Абдухалил Содиқовларнинг суннатлари мавжуд.

Хуллас, ўзбек ҳалқ тарихининг энг қора саҳифаларидан бири мардкорликка олиш воқеаси ҳалқ ўртасида кўзғолон

ва ғалаёнларга сабаб бўлди. Уларни тинчилиши мақсадида подшо ҳуқумати Фармонига “Ҳар қандай маҳаллий ҳокимият бошқа одамни ёллаши ва ўз ўнrigа жўнатиши мумкин” деган тузатиш киритилган.

Наманган уездининг деярли ҳамма волостларидан кўпчилик фронт ортида меҳнат қилиш учун Россияга жўнатилган. Шоир Мискин ву воқеани шундай таърифлайди:

Двінскага кетмас эди,  
Мард йигитнинг бир булаги,  
Двінскага кетказвогран,  
Ніколайнинг замбараги.

1916 йил кўзғолони бостирилганидан кейин ҳам маҳаллий аҳолининг яшири галаёнлари тўхтамади. Чор охранасининг ҳабар беришича, Андижон, Наманган уездларида “кайфият таҳжиси ва арзимас мишишлар аҳолини безовталантимоқда” эди. Генерал-губернатор Куропаткин бунга эътибор бермаслика чакириб, рус аҳолисини “умумий мусулмонлар хафи билан кўркитди” ва русларни тезда куролланшига давлат этиди. Бирок шунга қарамай чор Россия чиновниклари кўзлаган мақсад амалга ошмади. Тайерланган қуролларни ҳалқка қарши отишга ултуришмади. Чунки, 1917 йил 1 апрелидан маҳаллий аҳоли ўтрасидаги февраль буржуа-демократик революцияни таъсирида мардкорликка олинган ҳамюорларимиз Россиядан қайтиб кела бошлашиди.

Эркпарвар ўзбек зиёлилари истиқлол учун том маънода фидокорона, мардларча курашиши. Узоқ йиллар давом этган кураш 1991 йил юртимизда ҳақиқий мустақил давлат ташкил этилиши билан ўз якунига етди.

Эркинжон Қорабоев,  
Наманган вилояти тарихи давлат  
музейи Мустақиллик бўлими  
катта иммий ходими



» Кастинг  
Болалар мусиқа ва санъат мактаб ўқувчилари учун



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевинг "Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишида маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишига қизиқишини ошириш бўйича 5 мухим ташаббуси амалга ошириш тўғрисида"ги белгиланган вазифалари ижроси таъминланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг чоратадирилар режаси ҳамда топшириклари

юзасидан 27 ноябрь куни Хоразм вилоят Маданият бошқармаси томонидан 8tv телеканали билан ҳамкорликда Урганч шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида "Кастинг" бўлиб ўтди. У ансамбллар, оркестрлар, квартет ҳамда якка ижрочилик йўналишларида ташкил этилиб, унда вилоятдаги барча болалар мусиқа ва санъат мактабларида таҳсил олаётган 14 ёшдан ошмаган ўқувчилар иштирик этилар.

» Тарих келажак тамали

# Зараутсойнинг сирли суратлари

Инсоният пайдо бўлибдики, табиат мўъжизалари ва унинг сир-асорларини ўрганишга қизиқсан. Жонзотларга тақлид қилиб, улар қиёфаларини яратган. Расмлар чизиш орқали табиатни бўйсундириш мумкин деб ўлашган.

Одамзод онги шу тасаввурлар таъсирида шаклланиб, ўзининг илк ибтидоий тажрибаларини тўплай бошлаган. Мўъжизакор табиатдаги воқеъларни чизиш учун табиий горлардан, қоялардан фойдаланган.

Анда шундай мансизлогоҳлардан бирни Зараутсойдир. У Ҳисор тог тизмасининг Ўзбекистон худуди жанубий-ғарбида, Кўхитанг тогигинан ён-багрида жойлашган. Зараутсой горидаги чизигилар тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида илк қадамлар саналади. Гар кадимий ажодлар қолдирган бу тасвиirlарни ўз багрида минг йиллардан бўён араб келгатдан маскандир. Бу жой Зараутсой ва Зараут камар номлари билан юритилади. Маҳаллий аҳоли Зараут расмлари чизилган горларни камар деб аташади. Шундан Зараут камар номи пайдо бўлган. Гар қоятшларига тушシリлган суратларда чодир ёпиниб, ўзига дум боғлаган ва ўқ ёй кўттарган очиilar ит ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан биргатасвиirlangan. Бунда қадимий очиilar ўлжасини чўчтиб юбормаслик учун орқаларига дум боғлаб, чодир ёпиниб олишган.

Зараутсой суратлари дастлаб Ламаев томонидан ўрганилади. Кейинчалик Парфёнов (Улашувчилик музейининг биринчи директори) раҳбарлигидаги экспедиция иш бошлайди. Асл қасби рассом бўлган экспедиция иштирокчиси А.Ю.Рогинская "Зараутсой" номли рисоласини 1950 йил рус



тилида эълон қиласди. Айниқса, кейинги йилларда Зараутсой қоя расмлари таникли олим А. А. Формозов томонидан пухта таҳзил қилинди. Юрточимиз Абдулла Холмизраев аса, Зараут тилсизлари номли рисоласини 2003 йил нашрдан чиқарди. Зараутсой қояларидаги 246 дан ортиқ ибтидоий расмларнинг ҳаммаси бир вақтда чизилган. Базъи тасвиirlar бир-бирининг устига қалашшиб кеттани ҳам буни тасдиклайди. Үндаги дастлабки тасвиirlar "Мезолит" даври охиirlariga оид бўлиб, тахминан бундан 10 минг йиллар мукаддам чизилган. Көнглийн тасвиirlar "Бронза" даврига тегишли. Яъни милоддан аввали III-II минг йилликнинг маҳсулидир.

Зараутсойдан топилган тасвиirlar мамлакатимиздаги энг қадимий расмлар мажмуаси ҳисобланади. Қояга тушシリлган ҳайвон суратлари шунчалик ноаниқи, қайси ҳайвон акс эттирилганини англаш мушкул. Ҳайвоннинг боз ва оёқлари


ноаник, мутаносиблик йўқ. Зараутсой мамлакатимизда илк саънатшунослик кўрикхонасига айлантирилган ноёб манба сифатида ҳам жуда қадрли. Ўтра Осиёнинг тогли туманларидаги кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра иккиси хилдир. Баъзилари бўёк, иккичи хили ўйиб чизиш усули билан ишланган.

Ўлкамиздаги қоятош расмларининг энг қадимги науманлари факат Зараутсойдагина эмас, балки Сармишсоӣ, Биронсоӣ, Кўксарой, Такатош, Тераклисой ва шу каби 100 дан зиёд масканларда ҳам учрайди. Улар ибтидоий санъатнинг ноёб дуродаси сифатида дунё олимлари, археологлар ва расомларидаги катта қизиқиш ўтиготиб келади. Зоро, Зараутсойдаги каби қадимий, нодир, ибтидоий санъат энди ҳеч қачон қайта яратилмайди.

Ш. Пардаева, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданийи давлат музей катта илмий ходими

» Отакон театра

## "Бўёқчи"



Жорий йилнинг 1 декабрь куни Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида драматург Тунжар Жўжанўғли қаламига мансуб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббий, режиссер Мунаввара Абдуллаева томонидан саҳнадастирилган "Бўёқчи" (комедия) спектакли томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Чет элга бир ҳафталик сафарга отлаётган истамблулик 40 ёшли шифокор Ахмедбей яшашуини таъмирлаб бериш учун бўёқчи Қодирга "Бир ҳафта ичиди уйим тайёр бўлсин" – деб, уй калитини ташлаб кетади.

Катта Ҳолдингнинг боз директори сабаб, бўёқчи "Қодир дўхтири"га, унинг хотини Гулхоним эса "котиба"га айлантириб, беморларни қабул қила бошлашади.

Бир зумда "Қўйли енгил Қодир дўхтири"нинг мижозлари кўпайб, хусусий уй сотиб олиси илинжизда юрган "бўёқчи дўхтири" билан "котиба" куляй пайтдан фойдаланиб, уй пулини беморлардан ундириб олишга ҳаракат килишиади...

Томошабинлар спектаклдан кўнгилари тўлиб, кўтарикин кайфиятда қайтишиди.

» Театр ва ҳаёт



## Сатира театри қашқадарёда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат сатира театри "Хандамиз сизга дўстлар" деб номланган театрлаштирилган томошаси билан Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.


Театр томошалари жорий йилнинг 20 – 27 ноябрь кунлари шаҳар, туманлардаги ташкилот, корхоналар ишчи-ходимлари, ҳарбий қисмлардаги аскарлар ва зобитлар томонидан кўтарикин кайфиятда кутиб олинди.

## Таъзиянома

Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги Кадрлар бошқармаси бошлиғи Азиза Азимова ҳамда унинг яқинларига падари бузруквори Маҳмуджон ота Азимовнинг вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.

» Ёш биологлар

## Сурхондарё ёшлари учун тўғарак дарслари



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 мухим ташаббус донрасида Сурхондарё вилояти тарихи ва маданийи давлат музей табиат бўлими илмий ходимлари то-

монидан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси борасидаги билиmlарини ошириб бориш мақсадида "Ёш биологлар" номли фан тўғараги ташкил қилинган.

Унда асосан ўқувчи-ёшларга табиатни асрар-авайлаш, табиий бўлими илмий ходимларидаги ташкил этиш, уларнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси борасидаги билиmlарини ошириб бориш мақсадида "Ёш биологлар" номли фан тўғараги ташкил қилинган.

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни таъзиянома навбатдаги тўғарак дарсида Термиз шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг 6-синф ўқувчилари "Гулларнинг генератив органлари" мавзуисида Ш.Пардаева томонидан дарс ўтилди. Тўғарак машгулотлари ўқувчилар учун бир-бiriдан қизиқарли ва ноанъанавий тарзда олиб борилмоқда.



Мен дирижерман

## Ижодий утрашув



Кўчма кўргазма

### Музей – ёш авлод нигоҳида



3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш ташаббуси доирасида "Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари музейда" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Бухоро шаҳridagi 1-умумtaъlim maktabida Buxoro давлат музей-кўриқонаси бўлумларининг "Музей – ёш авлод нигоҳида" мавzuunda кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда мисгарлик, темирлиник тасвирларнан расмийлар намойиш этилди. Шунингдек, унор хакида маърузалар қилинди.

Ижодий утрашув

### Орзуимдаги инсон



23 ноябрь куни Навбаҳор туманинадаги 11-БМСМда "Нигоҳ" давлат мукофотининг навоийлик совриндорлари билан ижодий утрашув бўлиб ўтди.

Маданият вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги Ўзбекистон Президентининг бешта ташаббуси бўйича ўтилизган "Орзуимдаги инсон" билан утрашишини истайман" лойиҳаси доирасидаги маданият тадбирда бугунги кунда ёшлар учун яратилётган кенг имкониятлар, давлат мукофотларининг улар хаётидаги аҳамияти, вилоятда маданият ва санъат соҳасидаги эришилаётган ютуклар хуусида сұхбатлашилди.

Бир спектакль намойиши

### "Улфатлар найранги"



30 ноября куни Навоий вилояти Учқудук тумани "Қизилкум" маданият маркази тасарруғидан ташкил этилган "Хушчак" театр студияси томонидан "Улфатлар найранги" номли комедия спектаклининг намойиши бўлиб ўтди.

Асрарда меҳр-муҳаббат, садоқат, оиласидаги қайнона-кўёв муносабатлари ўзбеконюмор орқали очиб берилди.

Кизикарли, ҳаётӣ воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги ушбу жонли томоша ташриф буюрганларда илиқ таассусот қолдири.

## МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Маданият  
ва зиёдлиги,  
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир  
Дилбаҳор Худойбердиева  
Таҳририят манзили:  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас  
Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Бугунги кунда ёшларни маданият ва санъат соҳасига кенг жалб этиш, уларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ҳамда санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини ошириш, истеъодини юзага чиқариш, шунингдек, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни тизим асосида йўлга қўйиш мақсадида жорий йилнинг 29 ноябрь куни Бердақномидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали

театрида "Мен дирижёрман" лойиҳаси доирасида ижодий учрашув ўтказилди.

Нукус ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг ёш оркестр мусиқааси Мийрас Хабибов ўқувчиларга ўз иктидорини намойиш этди.

Лойиҳа доирасида симфоник оркестрнинг репетицияни жараёнлари тўғрисида савол-жавоблар ўтказилиб, дирижёр касби ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Мусиқа ва санъат мактабларида



## Мусиқа асбоблариға фубор қўнмасин

... Эндилиқда ҳар бир шаҳар, туман маданият марказлари вилоятда ҳисобот чиқишиларни намойиш этади. Жорий йилдан бошлаб вилоятдаги барча мусиқа ва санъат мактабларида давлат унвони сазовор бўлган санъаткорлар маҳорат сабоклари ўтиб келмокда. Биринга, шу йилнинг ўзида нафақат Самарқанд шаҳар, балки чекка туманларимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари етти марта ҳалқаро танловларда фахрли ўрнларни эгаллади.

Аввал хабар берганимиздек, ушбу маълумотлар Самарқанд вилояти Матбуот уйидаги вилоят хокимилиги маданият бошқармаси бошлиги Xўjakul Muhammadiев иштирокидаги бўлиб ўтган анжуманда айтилди. Унда омавий аҳборот воситалари вакиллари Президентининг томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуси амалга ошириш бўйича бошқарма тизимида маданият бўлимлари, кутубхоналарда, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларида амалга оширилётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

- Президентимизнинг 5 ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида йил да-

вомида қатор тадбирлар, анжуманлар ўтказилди, - дейди вилоят ҳокимилиги маданият бошқармаси бошлиги Xўjakul Muhammadiев иштирокидаги бўлиб ўтган анжуманда айтилди. Унда омавий аҳборот воситалари вакиллари Президентининг томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуси амалга ошириш бўйича бошқарма тизимида маданият бўлимлари, кутубхоналарда, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларида амалга оширилётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Испаниянда бўлиб ўтган ҳалқаро танлов-

да Самарқанд шаҳridagi 3- болалар мусиқа ва санъат мактабининг «Садозар» доирачилар ансамбли 1-ўринин эгаллаган бўлса, Санкт-Петербургрга ўтказилган танлов-

да Каттакўғроннинг «Нафис» рақс жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Вилоят хокими саъи-харакат билан Кимёгарлар шаҳарчасида энг замонавий, барча шаршароитларга эга "Маданият саройи" ташкил этилди.

Бошқарма раҳбари ютуклар баробарида соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайтина эканини айтиб ўтди. Масалан, бazzi мусиқа мактабларида фойдаланилмаётган чолгу асбобларининг мавжудлиги, маданият марказларининг бор имкониятларни ишга солмаётган, чолгу асбоблари усталарининг саноқли экани қайд этилди.

Гулруҳ МУМИНОВА

Концерт

### "Икки томон" айтишуви

Кувасой шаҳар аҳолисининг маданий дам олиши, бўш вактини мазмунли ташкилластириш, уларни кайфият улашиши мақсадидан 4 декабря куни Маданият маркази залида "Кувасой" ашула ва рақс ҳалқ жамоаси яккахон ижрочиси Дилмуроджон Йўлдошев ва "Кўшинор" тожиж фольклор этнографик ҳалқ жамоаси хонандаси Мўйинсон Мирзаходевлар ўртасида "Икки томон" айтишув концерт дастури ўтказилди. Ўнга корхона ва ташкилотларининг ишчилари, хонандаларнинг ойла аъзолари ва санъатга ошуфта ихломандлар таклиф этилди. Кечада ҳар иккала хонандандинг "Эй гап" кўшигини биргалиқда ихро этган тингловиларга ўзгача кайфият улашиди. Концерт давомида асл мухлислар хонандаларни қарсалабилан олқишилаб, шўх кўшиклиарга рақсга тушишди. Бундай ноањањавий тарзда ўтказилган дастур барчага манзур бўлди.

А. Комилов, Маданият маркази бадийи раҳбари

Хайрия дастур

## Хор жамоаси фахрийлар пансионатида

29 ноября куни Ўзбекистон давлат филармониясининг республикада хизмат кўрсатсан хор жамоаси Тошкент шаҳри Қорақамиш даҳасидада жойлашган фахрийлар пансионатига ўз хайрия концерт дастури билан ташриф бўюри.

Кечада туркман, татар, рус, қорақалпоқ, озарбайжон ҳамда ўзбек ҳалқ шишиклиаридан намуналар кўйланди.

Хор жамоаси яккахонлари – Д. Жабборова, К. Пазлиддинов, А. Ҳайдаров, А. Немматжонов ва Г. Нормуҳамедовлар ўз ижро репертуарларидан ўрин олган шўх кўшиклиари билан тингловиларга кўтаринки кайфият улашидилар.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41.  
Босмахона топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00  
12 45 6



Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва аҳборот агентлиги томонидан  
10.04.2018 й. 0803 раҳами  
билин давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Газета Ўзбекистон  
Нашр учун маஸъу: Шоҳида Исройлова  
Навбатчи муҳаррир: С. Рихисея  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 8302 Буюртма - Г - 1227  
Сотувда келишилган нархда  
Кофоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ  
Таҳририятта келган қўлэзмалар қайтарилимайди ва ёзма жавоб берилмайди.  
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри  
таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.  
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.